ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00330

ИБН РУШД ВА АВЕРРОИЗМ

Эронов Самарбек Қурбонназарович
Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ибн Рушднинг фалсафий таълимоти хусусида сўз кетиб, бунда ўрта асрларга хос динний мутассибланган қарама қарши холатда алломанинг маърифий таълимоти илгари сурилганлиги қайт этилган.

Калит сўзлар: фалсафа, ислом, дин, назария, ҳақиқат.

IBN RUSHD AND AVERROISM

Eronov Samarbek Qurbonnazarovich
Senior Teacher, Almalyk Branch, Tashkent State Technical University

ABSTRACT

This article deals with the philosophical teachings of Ibn Rushd, repeating that the enlightenment teachings of the scholar were put forward in the context of the medieval religious fanaticism.

Keywords: philosophy, Islam, religion, theory, truth.

КИРИШ

Ибн Рушднинг фалсафий меросининг тақдири, асосий қисми дастлаб араб тилида ёзилган ва худди Шарқдаги каби мусулмон дунёсининг ғарбида ҳам араб-мусулмон фалсафаси билан чамбарчас боғлиқликда ривожланиб борган. Кордовалик мутафаккирнинг энг муҳим асарлари XIII асрда яшаб ўтган яҳудий олимлари томонидан таржима қилинган ва шарҳлаб берилган. Улар ўз асарларини ёзишда ва Ўрта асрнинг йирик яҳудий мутафаккири Моисей Маймониднинг асарларини шарҳлашда Ибн Рушд асарларидан фойдаланишган.

Ибн Рушд қарашлари Ғарбий Европада авж олган ғоявий курашлар даврида, уни фақатгина шарҳлари орқали таниганларидаёқ, қурол сифатида қўлланилганлиги, Ибн Рушднинг арастучиликни изоҳлашга ёндашувининг ижобий табиати, мустақиллиги ва унинг фикрларининг ўзига хослигидан дарак беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00330

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аверроэснинг дастлаб собитқадам илоҳиётга зид бўлган ақл йўналишлари билан боғланган, Европанинг биринчи университет шаҳри бўлган. Ибн Рушдийнинг Арасту асарларига ёзган шарҳлари бу ерда тахминан 1230 йилларда маълум бўлган. Бу вақтда Арасту таълимоти афлотунчиликка оғиб кетган францискан илоҳиёт мутахассисларининг қаршиликларига учраётган эди; бу орада доминикан илоҳиётчилари уни христиан дунёқарашлари талабларига мослаштиришга ҳаракат қилар эдилар. Арасту таълимотини католик руҳига мослаштириш мақсадида Париж университетининг илоҳиёт (илоҳиёт) факультетининг икки профессори – Альберт Великий (Буюк) (1193 – 1280) ва Фома Аквинский (1274 й.да вафот этган) нинг бу соҳадаги фаолияти буюк антик давр файласуфининг христианлашувида ўрнак бўлди.

Аверроистик ғояларнинг Париждаги кейинги тақдирини уларнинг 1270 йилда епископ Тампье бошчилигидаги маҳаллий илоҳиётчилар томонидан қораланишига қараб билиш мумкин.

XIII асрнинг охирида бидъатга оид тезисларнинг, Ибн Рушдийнинг концепцияси киритилган шу каби рўйхати “Файласуфларнинг хатолари”номи остида Жил Римский томонидан тузилган эди. Бундан ташқари Жил Римский у томонидан христиан, яҳудий ва мусулмон динлари уларнинг барча амалий фойдасига қарамасдан ёлғон динлардир, деб айтган киши сифатида тамғаланган кордовлик мутафаккирнинг алоҳида “хато”ларини рад этишга бағишланган қатор асарлар яратди.

XIII ва XIV асрлар оралиғида ўзининг исломга нисбатан фанатик нафрати билан машҳур бўлган Раймунд Луллий Ибн Рушдга нисбатан шу каби ғазабли маломатлар ёғдиради. Унинг назарида, Аварроэс “мусулмонлик” тимсоли бўлган ва у шарҳловчининг асарларини ўқиш ва таълим беришга расмий таъқиқ эълон қиишни талаб қилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кўриб турганимиздек, фалсафа ва илоҳиёт ўртасидаги муносабат ҳақидаги масаладаги лотин аверроистларининг қарашлари ягона ҳақиқат нуқтаи назарига амал қилган устозлари қарашларидан фарқ қилган. Бу тафовутлар ислом ва христианлик шароитларидаги институтлаштирилган диний тажрибалар даражасида мавжуд бўлган фарқлар билан белгиланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00330

Ибн Рушд ғояларининг Италияда кенг тарқалишига Болония университети аверроистларининг фаолиятлари сабаб бўлган, улардан энг машҳурлари 1318–1321 йилларда санъат факультетида дарс берган Пармалик Таддео, ва XIV асрнинг 20-йилларида ўша ерда дарс берган Анджело Ареццолар бўлган. Бироқ тез орада аверроизм маркази ўша даврда бутун шимоли-шарқий Италиянинг интеллектуал ҳаёти ўчоғи бўлган Падуан университетига кўчиб ўтади. Падуяда аверроизмнинг тарқалиши ва гуллаб-яшнашига бу ерда мавжуд бўлган ва ташувчиси маҳаллий шифокорлар бўлган эркин фикрлар анъаналари сабаб бўлган.

Бунга сабаб, кейинги аверроистлар ўзларининг XIV асрдаги ўтмишдошларига нисбатан “Икки хил хақиқат” хақидаги таълимот доирасида диний этиқодга нисбатан содиқроқ бўлишган.

Аверроизмнинг Европа мамлакатларидаги оммабоплигини тугаши унинг бошланиши каби табиий бўлган. XVIII аср материализмидан дарак берувчи янги фалсафий нишоналарида перипатетизмнинг натур фалсафий тамойиллари каби назарий билишга оид принципларининг хам чегаранганлигини аниқладилар. Арастунинг обрў-эътибори билан биргаликда шарҳловчининг машҳурлиги ҳам сўнди.

Эътироф этилганидек, Ибн Рушд файласуфларни ўз қимматли фикрларини илоҳиётчиларга бағишлашдан қайтарган. Ва бу тушунарли: модомики ҳақиқатан ҳам диндорлар аниқ кучга эга эканлар, улар файласуфларга ва уларнинг фанларига беҳисоб кулфатлар келтириши мумкин. Шу билан биргаликда кордовалик мутафаккир янада кўпроқ ишонч билан фалсафий ғояларнинг “кенг омма”га ёйилишининг зарали эканлиги таъкидлайди.

Ибн Рушднинг нуқтаи назарига кўра “кенг омма”дан диний эътиқодларни тортиб олиш жамиятни тартибга солувчи инсон ҳаётини ахлоқий тамойилларсиз қолдириш ва нигилизм ва анархия гирдобига итқитиш демакдир.

Ибн Рушднинг файласуфларнинг “кенг омма”га нисбатан муносабатига доир тамойилини тўлақонли англаб етиш учун ҳикматли сўзлари (афоризм) нинг иккинчи қисмини кўриб чиқамиз. “Ҳар бир донишманд ҳам пайғамбар бўлавермайди” дегани нимани англатади? Бу дегани, ҳар қандай файласуф, нафақат борлиқни ўрганишга, балки ўз ғояларини образли шаклда ифодалай олишга қодир бўлмаган, ёки бошқачасига айтганда, инсоний ҳаёт қоидаларини имкон қадар қулай

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00330

шаклда баён қилишга ва ўз номлари билан муқаддаслаштиришга интилган пайғамбарларнинг қироатли-шеърий каломларига ҳам муносиб тус беришга қодир бўлмаганлар. Мана шундан ўша “тақводорона” насиҳатлар Ибн Рушднинг тор доира учун мўлжалланмаган асарларида файласуфнинг жамиятдаги ахлоқи борасида юқорида баён қилинган мулоҳазалар билан ҳамоҳанг бўлган.

Ибн Рушднинг ақл таълимоти ва умуман фалсафий мероси Овропанинг йирик маданий марказларидан бири бўлмиш Парижда 1200 йилларида кенг тарқалди. Унинг Арасту асарларига шарҳлари бу ерда тахминан 1230 йилда пайдо бўлди. Бир қатор Овропа файласуфлари Арастуни Ибн Рушд орқали қабул қилдилар: унинг таълимотини Ибн Рушд талқинига таяниб тушунтирдилар.

Ғарбда Ибн Рушднинг модда абадийлиги, умумий боқийлик тўғрисидаги бир қанча ғоялари черков арбоблари томонидан қораланишининг боиси шу эдики, улар Арасту фалсафасини насроний илохиёти билан келиштиришни хоҳлар эдилар. Шунинг учун ҳам диний арбоблар бу ғоялар хусусида Ибн Рушд Арастунинг фалсафий қарашлари тўғрисида англашилмовчиликка йўл қўйган деб таъкидладилар.

ХУЛОСА

Баъзи тадқиқотчилар Ибн Рушднинг Оврупа фалсафасига кўрсатган таъсирини Ибн Синонинг таъсиридан ҳам юқори баҳо бериб, ҳеч бир мусулмон мутафакири ўрта аср Ғарбида Ибн Рушддан кўпроқ таъсир ўтказмаган деб таъкидлашади. У насроний маданиятига мусулмон оламига кўра кўпроқ танилди, чунки мусулмон оламида рисолалари жуда оз миқдорда тарқатилгани ва муомалада кам бўлгани ҳамда Андалусияда диндорлар томонидан таъқиб қилингани бунга сабаб бўлди. Унинг таълимотидаги қуйидаги ғоялар Шарқ ва Ғарб илоҳиётчиларининг нафратини уйғотиб ўзига қарши қилиб қўйган бўлса, улар ўз навбатида Оврупа Уйғонишига дарча очди: (1) Мақаддас китобларни мажозий талқин этиш ғояси: (2) Икки хақиқат назарияси:(3) Инсоннинг умуминсоний абадийлиги ва ҳар бир инсондаги алохида (индивидуал) нафснинг фаоллиги ғояси:(4) Модданинг абадий ҳамда имконий экани ва(5) Аёлларни озод (эмансипанция) этиш сингари ғоялари.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00330

REFERENCES

1. Сагадеев А.В. Ибн Рушд. –М., 1973.
2. Сагадеев А.В. Наследие ислама: история и современночть // Оутт М. Влияние ислама на средневековую Европу. –М., 1976
3. Худойқулов, Ж. (2020). “Танқидий тафаккур” тушунчаси ва унинг таълим жараёнидаги роли. Academic Research in Educational Sciences, 1(1), 339-347.
4. Тошов, Х. И. (2017). Оккульт таълимотлар моҳияти ва талқинлар хилма-хиллиги. *ЎзМУ хабарлари*, *1*(3), 268-272.
5. Тошов, Х. И. (2020). Герметизм генезисини тадқиқ этишнинг назарий методологик асослари. *Имом Бухорий сабоқлари*, (3), 135-136.